Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1997 йил 5 июль, шанба ● № 53 (10.931) ● Эркин нархда сотилади



## КАТТА БАЙРАМГА ТАРАДДУД ҚЎРИЛМОҚДА

***Озод юртимизнинг энг катта байрами — Мустақиллик айёми олтин кузнинг биринчи кунига тўғри келади. Куз эса баҳор ва ёзда қилинган меҳнат самаралари кўринадиган палла. Ҳозир ҳамма ерда байрамни кўтаринки кайфиятда кутиб олиш учун астойдил ғайрат қилинмоқда.***

Мустақилликнинг олтинчи йили «Инсон манфаатлари йили» шиори остида ўтмоқда. Одамларнинг фароғатли турмуши, тўкинсочин ва тинч ҳаётини ўйлаб амалга ошириладжак тадбирларнинг вилоят дастури, шунингдек, шаҳар ва туманларнинг ҳам ўз дастури ишлаб чиқилган. Жойларда саноат ва қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ҳаётнинг, иқтисодий, маданий, маиший жабҳаларнинг турли соҳаларида қилиниши керак бўлган ишлар бандма-банд белгилаб олинган. Кишини қувонтирадигани шундаки, ана шу кенг қамровли тадбирлар ҳозирги пайтда собитқадамлик билан рўёбга чиқарилмоқда. Қишлоқ ва шаҳар кўчалари ҳамда хиёбонлари обод ва саришта бўлаётганлиги, янги иншоотлар қад кўтараётгани, халққа савдо, маиший, тиббий хизмат кўрсатувчи масканлар бирин-кетин фойдаланишга топширилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Вилоятимиз пиллакорлари кетидан сабзавоткор ва боғбонлар, ғаллакорлар маъмурчилик ва тўкинлик асосини яратмоқдалар. Ғаллазорлардан меҳнат ютуқлари ҳақида кетма-кет хушхабарлар келмоқда. Саноатчиларимизнинг кўпгина соҳаларда бу йилги кўрсаткичлари ҳар қачонгидан яхши. Мулк шакли, хўжалик юритиш тартиби қандайлигидан қатъий назар, корхоналарда чиқарилаётган маҳсулот сифати яхшиланиб, даромад ортиб бормоқда, экспорт имкониятлари кенгаймоқда. Жамоатчи сураткаш Владимир Гранкин тасвирга туширган мана бу лавҳалар ҳам фикримизни исботлайди. Ўнгдаги биринчи сурат «Тўйтепа» ўзбек-турк қўшма корхонасида олинган. Туркиялик шериклар бу ерга Япониядан янги серунум ускуналар олиб келиб ўрнатишди. Корхона ҳозир йилига 50 минг дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бундан ташқари махсус уст-бошлар, халатлар ҳам тайёрланмоқдаки, улар ҳам харидоргирлиги билан ажралиб турибди.

Иккинчи сурат Қибрай туманидаги «Анвар» хусусий дўконида олинган. Дўкон мудири Анвар Мирзаев ва бу ерда ишлаётган жамоа аъзолари ҳамқишлоқлари учун керакли хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларини шу савдо шоҳобчаси орқали пешма-пеш сотилишига эришмоқдалар.

Ангрендаги «Элерем» корхонаси ҳамма турдаги электр машиналарини таъмирлайди, машина механизмлари учун эҳтиёт қисмлари тайёрлайди. Унинг маҳсулотларига ҳам талаб ортиб бормоқда.

Байрам нафаси, унга кўрилаётган катта тараддуд барча меҳнат жамоаларида ана шундай сезилиб турибди.

## ЯНГИЙЎЛ ҲАМ МАРРАДА

### 14.000 тонна ғалла топшириб, давлат буюртмасини бажарган туман деҳқонлари яна 1500 тонна дон етказиб беришга аҳд қилдилар

***ШУНДАЙ** кезлар бўладики, киши бирор мақсадига эришса, енгил тортади. Ишдан кўнгли тўлиб, янги манзиллар сари йўл олади...*

Бугун Янгийўл тумани ғаллакорлари учун ана шундай қувончли кун. Дон топшириш бўйича давлат буюртмаси бажарилди. Энди янги довон сари ҳаракат бошланди. Ўтган куни туманда бўлиб ўтган йиғилишда шу ҳақда гап борди. Ғалабага муносиб ҳисса қўшганларга раҳмат айтилди, совғалар топширилди.

Энг катта мукофот — «Тико» автомашинаси «Ниёзбош» жамоа хўжалигининг комбайнчиси Рихситилла Норматовга насиб этди. У мавсумда салкам 1000 тонна буғдойни ўриб-йиғиб берди.

Умуман, давлат буюртмасини бажарган бирон хўжалик, бригада ва юқори натижага эришган комбайнчи ҳам қуруқ қолмади. Ортиқов номли, «Тинчлик», «Қовунчи» жамоа хўжаликларининг илғор комбайнчиларига дам олиш учун бепул йўлланма берилди. Ниёзов номли, «Озод», Навоий номли, Бобур номли, «Халқобод» хўжаликларининг деҳқонларига ҳам туман ҳокими Йўлдош Тожибоев қимматбаҳо совғалар топширди.

Албатта, гап совғада эмас. Лекин туман ҳокимлиги белгиланган тадбирларнинг ижро этилиши, хўжаликларга, механизаторларга, умуман ғалла ўрим-йиғимида иштирок этганларга берган эътибори муваффақиятни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу куни маррага етган туман ғаллакорларини вилоят ҳокимининг биринчи муовини Тўлқин Мирёқубов қутлади. Шундай қилиб, ғаллакорлар яна 1500 тонналик хирмон яратиш йўлида ҳаракатни бошлаб юбордилар. Мутахассисларнинг фикрича бу режа ҳам тез кунларда адо этилади.

---

*Иқтисодий ислоҳот одимлари*

## ХОРИЖ ЙЎЛИ ЯҚИН ЭМАС ...

### Лекин, Чирчиқ саноатчилари ўз маҳсулотлари билан дунё бозорига чиқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар

***МАМЛАКАТИМИЗ** мустақилликка эришганидан кейин хорижий давлатлар билан турли соҳаларда, шу жумладан, иқтисодиётда ҳамкорлик қилиш учун қулай имкониятлар вужудга келди. Вилоятимизнинг йирик саноат маркази ҳисобланган Чирчиқда бу борада қандай ишлар қилинди, уларнинг самараси қандай бўляпти? «Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири шаҳар ҳокимининг ўринбосари В. М. БРОНИН билан шу мавзуда суҳбатлашди.*

**— Василий Максимович, республикамиз раҳбарияти, шахсан юртбошимиз ташқи дунё билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, унинг самарали бўлишига алоҳида аҳамият билан қарамоқдалар. Сўзсиз бу ҳолат саноат маҳсулотларини экспорт-импорт қилишда ҳам ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан шаҳар саноатчилари яқин ва узоқ хориж бозорларига мослашиш, бунинг учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қандай ишларни амалга ошираётганлари ҳақида қисқача гапириб берсангиз.**

— Маълумки, Чирчиқ саноати кўп тармоқли. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳам хилма-хил. Бизда оддий рўзғор буюмларидан тортиб, замонавий мураккаб асбоб-ускуналаргача тайёрланмоқда. Уларнинг айримлари ташқи бозорда ўта харидоргирдир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида шаҳримиздаги кўпчилик етакчи корхоналар жамоалари замон талабларини ҳисобга олиб, ташқи бозорда рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун қатор чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, чет элларда техниканинг сўнгги ютуқлари асосида яратилган асбоб-ускуналар, технологияларни ўзларида жорий қилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам саноат маҳсулотларини экспорт қилиш йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили унинг ҳажми 35,6 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Жорий йилда янада кўпайиши кутилмоқда. Ўтган беш ойда чет эл мамлакатларига 16 миллион АҚШ долларидан кўпроқ қийматга эга бўлган маҳсулотлар жўнатилди.

**— Кўриниб турибдики, шаҳар вилоят бўйича саноат маҳсулотини экспорт қилишда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунда қайси жамоалар энг яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар?**

— Бу борада Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати жамоаси карвонбошилик қилмоқда. Корхонанинг ишчи-хизматчилари тайёрлаётган маҳсулотларнинг яқин ва узоқ чет элларда бозори чаққон. Масалан, шу йилнинг ўтган беш ойи давомида жамоа хорижий буюртмачиларга нархи 8 миллион 760 минг АҚШ долларилик турли қимматбаҳо симлар ва бошқа маҳсулотлар жўнатди. «Электркимёсаноати» ҳиссадорлик жамиятининг маъданли ўғитларини хорижликлар жон деб, сотиб олмоқдалар. Йилнинг ўтган беш ойида бундай олди-соттидан 5 миллион 660 минг доллар сармоя топилди.

«Трансформатор заводи» ҳиссадорлик жамиятининг чет элга юборган маҳсулоти эса 900 минг долларга яқин бўлди. «Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводи» ҳиссадорлик жамияти, «Кимёавтоматика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоалари ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқдалар.

***● ШАҲАР** саноат корхоналари жамоалари ўтган беш ойда хорижий давлатларга 16 миллион АҚШ долларидан кўпроқ қийматдаги маҳсулотларни жўнатдилар.*

***●** Улар орасида маъданли ўғитлар, капролактам, кимё ва нефть саноатида фойдаланиладиган компрессорлар, бир неча турдаги трансформаторлар, беш хилга яқин рангли металлургия саноати маҳсулотлари ва бошқалар бор.*

***● ҲОЗИРГИ** кунгача хорижий ҳамкорлар билан 14 та қўшма корхона барпо этилди. Улар йил бошидан бери салкам 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.*

**— Чет эллик ҳамкорлар билан қўшма корхоналар барпо этиш, илғор техника ва технологияни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ишлари қандай аҳволда?**

— Хорижий шериклар билан қўшма корхоналар барпо этиш, четдан замонавий техника ва технологияни олиб келиб, жорий қилиш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаб, рақобатбардошлигини таъминлаш, ҳозирги вақтда импорт қилинаётган маҳсулотлар ўрнини босадиганларини тайёрлашни ўзлаштириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шунинг учун бу масалалар шаҳар ҳокимлиги ва хўжалик юритиш тизимларининг доимий эътиборидадир.

Республикамиз мустақиллиги йилларида қўшма корхоналар барпо этиш юзасидан анчагина ишлар қилинди. Бугунги кунга келиб шаҳарда уларнинг сони 14 тага етди. Бу корхоналарнинг 10 таси ишлаб турипти. Жорий йилнинг ўтган беш ойида қўшма корхоналар жамоалари салкам 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Қўшма корхоналар ҳақида гап кетганда биринчи бўлиб «Кибо»ни тилга олиш мумкин. Олмониянинг машҳур «Саламандра» фирмаси билан биргаликда барпо этилган бу корхона болалар пойабзалини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Унинг жамоаси маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кун сайин кўпайтирмоқда.

«Алькотель» фирмаси билан бирга тузилган «Чирком» қўшма корхонаси ҳам оёққа мустаҳкам туриб олди. Унинг жамоаси шаҳар телефон алоқасини замонавий технология асосида қайта қурмоқда. Натижада, ҳозир ишлаб турган ва каттагина майдонни эгаллаган 4 та телефон станциялари ўрнида битта станция ишлайди. Украина билан бирга барпо этилган «Вескаф» қўшма корхонаси ҳам маҳсулот тайёрлашни узлуксиз давом эттирмоқда. Бу ерда «Баҳор» русумли оқ-қора рангли телевизорлар ишлаб чиқарилялти. Жанубий Корея билан ҳамкорликда асос солинган «Чосонсикрекисул» қўшма корхонаси соя соуси чиқармоқда. У йил бошидан бери 1 миллион 200 минг сўмликка яқин шундай озиқ-овқат маҳсулотини савдо шахобчаларига етказиб берди.

Қатор саноат корхоналарида чет элдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ишлаб турипти. Жумладан, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг 7-цехида Олмониядан келтирилган янги асбоб-ускуналар ишга туширилмоқда. Улар ёрдамида эскириб қолган асбоб-ускуналар янгиланмоқда. Натижада, бозори чаққон вольфрам ва молибден каби симлар ишлаб чиқариш ҳажмида ҳам, сифатида ҳам ижобий силжишлар юз бермоқда. «Чирчиққишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятида сўқалар ишлаб чиқариш Олмония билан бирга ташкил этилди. Бундай ишлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

**— Хорижий шериклар билан иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга ғов бўлаётган сабаблар борми?**

— Савол ўринли. Қисқача жавоб қайтариш қийин. Аввало, қўшма корхоналар фаолияти ҳақида. Айрим қўшма корхоналар нисбатан барқарор ишламоқдалар, истеъмол бозорини тўлдиришга ҳисса қўшмоқдалар. Буни ижобий баҳоласа бўлади. Фикримни тасдиқловчи далилларни юқорида келтирдим. Лекин, шундай корхоналар ҳам борки, уларнинг ишини қаноатланарли деб бўлмайди. Масалан, бундайларнинг 4 таси умуман ишлаётгани йўқ. Чунки, уларни ташкил этишда шошма-шошарликка йўл қўйилган, тайёрланган маҳсулотни сотиш, ишлаб чиқаришни хом ашё билан таъминлаш муаммолари тўла инобатга олинмаган. Кўплари чет эллардан келтирилган хом ашё ва материаллар билан ишлашга асосланган. Уларни таъминлашда узилишлар бўлмоқда ва умуман тўхтаб қолмоқда. Айрим хорижий шериклар ишончни оқламадилар.

Бозор иқтисодига ўтишнинг ҳозирги босқичида таъминот масаласи жуда мураккаб бўлиб турипти. Ўзаро тўловлар тартиби ҳамон йўқ. Бунинг устига бартер асосида ҳамкорлик қилиш ниҳоятда чеклаб қўйилган. Бу чет эллардан хомашё ва материалларни келтиришда қийинчиликлар пайдо қилмоқда. Вақти келиб бу муаммолар ҳам бартараф этилади, деб умид қиламиз. Ўшанда хориж билан иқтисодий ҳамкорликнинг турли йўналишлардаги ижобий силжишлар янада кучаяди, албатта.

---

*Вазирлар Маҳкамасида*

## ТАДБИРКОРЛАРГА ЁРДАМ БЕРИЛСИН

Вазирлар Маҳкамасида 4 июль куни Бош вазир Ў. Султонов раислигида кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштириш кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, банклар, бозор инфра тузилмаси муассасалари, мувофиқлаштириш кенгаши ҳудудий комиссиялари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Йилнинг иккинчи чорагида тадбиркорлар орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш якунлари ҳамда бу йўналишда яқин вақт ичидаги вазифалар муҳокама қилинди. Республиканинг деярли барча вилоятларида тадбиркорлар учун семинар-кенгашлар ўтказилгани, жойларда ишни ташкил этиш учун методик қўлланмалар ва меъёрий ҳужжатлар етказиб берилгани, оммавий ахборот воситаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашадиган мақолалар эълон қилингани айтиб ўтилди.

Бироқ бу фаолият ҳар томонлама собитқадамлик билан амалга оширишни талаб қилади, дейилди мажлисда. Шу муносабат билан тадбиркорлар орасида ҳозир амал қилаётган кичик, ўрта ва хусусий бизнесни моддий рағбатлантиришга ҳамда қўллаб-қувватлашга оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар хусусида ахборот билан таъминлаш ва тушунтириш ишлари дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурда оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборот-тушунтириш ишлари савиясини ошириш, марказда ва жойларда ахборот-маслаҳат таянч пунктларини тузиш, тадбиркорларни самарали ўқитишни ташкил этиш кўзда тутилган.

Мажлисда Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов, Сирдарё вилояти ҳокими У. Исмоилов, Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев, Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишлари тўғрисида ахборот бердилар. Республика банкларининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга доир фаолияти масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Мувофиқлаштириш кенгаши муҳокама қилинган муаммолар юзасидан аниқ қарорлар қабул қилди ва хусусан республика мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг жойлардаги комиссиялари иши тўғрисидаги маълумотларни ҳар ҳафтада эшиттириб туриш, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий комиссияларининг ишини кучайтириш, тадбиркорларга кредит бериш йўлларини пухталаштириш, экспертизаларни ўтказиш ва сармоя билан боғлик лойиҳаларни тасдиқлашни тартибга солиш ҳисобига тадбиркорларга ахборот билан хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари В. Чжен сўзга чиқди.

---

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

## 968 ТА ЯНГИ ИШЧИ ЎРНИ

***Чирчиқда аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган тадбирларга катта эътибор берилмоқда.***

Бундай хайрли ишда йил бошида тузилган махсус дастурга қатъий амал қилинмоқда. Унда жорий йилнинг биринчи ярмида 926 та ишчи ўрни очиш режалаштирилган эди. Шаҳар ҳокимлигининг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда кўрган чоралари туфайли режа анча зиёдаси билан бажарилди.

Якун бўйича янги барпо этилган ишчи ўринлари 968 тага етди. Бу жараёнга нодавлат секторлардаги корхоналар салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларда янгидан 771 та ишчи ўринлари барпо этилди. Шу туфайли минг нафарга яқин чирчиқликлар ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиндилар.

***Собир ҲАМИДОВ.***

## ОБРЎ МИСҚОЛЛАБ ЙИҒИЛАДИ

***ЮҚОРИЧИРЧИҚ** тумани марказий кутубхонасида «Уч авлод учрашуви» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими, туман марказий кутубхонаси ходимлари ва 6-ўрта мактаб жамоаси ҳамкорликда ўтказди.*

Учрашувда ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган ва умрининг салкам эллик йилини механизаторлик касбига бағишлаган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор» Фаттоҳ Исмоилов ва меҳнат фахрийси Боймат Норматовлар сўзга чиқишиб, ҳалол ва фидокорона меҳнат туфайлигина чинакам обрў-эътибор топиш мумкин эканлиги ҳақида ўз тажрибалари мисолида сўзлаб беришди.

Шунингдек, тадбирда марказий кутубхона ходимлари томонидан ташкил этилган китоб ва расмлар кўргазмаси ҳам учрашув иштирокчиларига манзур бўлди.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

# МАМЛАКАТДА ЯГОНА

## бўлган Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик жамияти мустақиллик йилларида тараққиёт йўлидан дадил бормоқда

***БУ КОРХОНА ҳақида гап кетганда кўпинча унинг ноёблигини тилга оладилар. Ҳақиқатан ҳам бу таърифларда жон бор. Бу ерда замонавий технологиялар асосида турли-туман қалин қоғозлар ва улардан ясалган идишлар ишлаб чиқарилади.***

«Саноатқалинқоғозсавдо» корхонаси республика ҳукуматининг ўша қизил империя даврида машаққатли саъй-ҳаракатлари туфайли барпо этилди. Бу йўлда кўпдан-кўп ғовлар, қаршиликлар енгиб ўтилди. Мақсад ҳар йили минг-минглаб тонна чиқинди қоғоз хом ашёсини шу ернинг ўзида қайта ишлашни ташкил этиш, уни узоқ масофаларга олиб бориш ва тайёр маҳсулотни ташиб келтиришдек муаммога чек қўйиш эди.

Уни қуришни иқтисодий афзалликлари ҳисоблаб чиқилди. Корхона ишга тушиши билан ҳар йили йигирма минг гектар майдондаги ўрмонни кесишдан сақлаб қоларкан. Улардан тайёрланган идишлар ва ёғоч-тахтани ҳам ташиб келтиришга ҳожат бўлмасди. Шундай қилиб, корхонани барпо этиш ишлари бошланиб кетди. Уни уч босқичда қуриш назарда тутилди. Биринчи мажмуи 1988 йил охирларида фойдаланишга топширилди, иккинчиси орадан бир йил ўтгач, учинчиси республика мустақилликка эришган йилда ишга туширилди.

*Мустақиллик йиллари корхона учун ривожланиш даври бўлди. Янги ишлаб чиқариш бўлинмаларини яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириш, унинг рақобатбардошлигини кучайтириш соҳасида янги марралар эгалланди. Қайта қуриш, янги асбоб-ускуналарни ўрнатиш, замонавий технологик жараёнларни жорий қилиш, ишчи-хизматчиларнинг малакасини, касб маҳоратини оширишда кўп иш қилинди.*

Жумладан, ҳар йили 20 минг тонна муқова қалин қоғози ишлаб чиқарувчи қувватлар фойдаланишга топширилди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, хўжаликни бошқаришнинг тубдан янги усулларини қўллаш даври осонликча ўтмади. Ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши ҳам юз берди. Турдош корхоналар билан таркиб топган иқтисодий ҳамкорликнинг издан чиқиши ёш жамоага кўп ташвиш келтирди. Лекин, олма пиш, оғзимга туш, қабилида иш тутилмади. Ҳамма бўлинмаларда изланиш, имкониятларни қидириб топиш ва ишга солиш, мавжуд салоҳиятдан оқилона фойдаланиш учун кураш бир зум ҳам тинмади. Айниқса, корхона 1995 йилда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланганидан, жамоа унинг ҳақиқий ва асосий эгаси бўлиб қолганидан кейин орадан кўп ўтмай ижобий силжишлар янада кўзга ташлана бошлади.

Республика мустақиллигининг олти йиллиги олдидан

Ҳиссадорлик жамияти эндиликда кўп тармоқли бўлиб қолди. Қалин қоғоз фабрикаси, қат-қат бурма идишлар фабрикаси, халқ истеъмоли товарлари цехи унинг асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳисобланади. Яқинда толали плиталар тайёрлашга ихтисослашган цех фойдаланишга топширилди. Бу, айтиш мумкинки, корхонанинг қисқа «таржимаи ҳоли»да ўзига яраша воқеа бўлди. Чунки бу маҳсулот шу вақтгача ишлаб чиқариш чиқиндиси бўлган ва каттагина майдонни эгаллаб ётган хом ашё асосида олинади. Ундан мебел ва бинокорлик материаллари саноатида фойдаланиш мумкин. Бу билан қурилишда қимматли пардоз материали ўрнига нисбатан арзонроқ толали плиталарни ишлатиш имкони туғилди. Ҳар йили 2,1 миллион квадрат метр шундай плиталар харидорларга етказиб берилади.

*Яқинда яна бир ишлаб чиқариш яратилганлиги ҳақида хушхабар тарқалди. Жамиятда похол, сомон, каноп ва пахта тозалаш саноати чиқиндиларидан целлюлоза ишлаб чиқарадиган завод ҳам маҳсулот бера бошлади.*

Франциянинг «Мартин» фирмасидан олинган технология линиясини такомиллаштиришга киришилди. Натижада махсус кўп рангли қат-қат бурмали идишлар тайёрланади. Уларнинг шамоллатиб турадиган тешикчалари бўлади. Бундай идишлардан эса мева-сабзавот маҳсулотларини ташишда кенг фойдаланилади. Буни республикамиз боғбонлари, соҳибкорлари мамнунлик билан кутиб олганликлари ҳам бежиз эмас. Чунки, бундай қутилар улар учун жуда зарур эди.

Усти силлиқ ва қат-қат бурма бўлган қалин қоғозларга сифатли расмлар тушириш учун фотополимер шакллари тайёрлаш мақсадида хориждан замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди. У яқинда ишга туширилди. Натижада кўпрангли расмлар туширилган бурма қалин қоғозлардан идишлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

*Шундай қилиб жамоа қўлидан чиқаётган маҳсулот турлари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ у юз хилдан ҳам ошиб кетди. Атир-упа солишга мўлжалланган мўъжаз қутичалардан тортиб катта ҳажмдаги буюмлар жойлаштириладиган сандиқдайлари ҳам истеъмолчига етказиб берилмоқда. Улар халқ хўжалигининг аксарият соҳаларида фойдаланиляпти.*

Ёш жамоа ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг ўлчовини белгилашда юз минг, миллион рақамларини ишлатишга тўғри келади. Ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг, биргина силлиқ оддий қалин қоғоздан йилига юз минг тонна тайёрланиши мумкин. Қат-қат бурмали қалин қоғоз 160 миллион, улардан ишлаб чиқарилган яшиклар 150 миллион квадрат метрни ташкил этади. Ҳар йили 80 минг тонна чиқинди қоғоз қайта ишланади. Маҳаллий хом ашё — асосан ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ўттиз минг тоннадан кўпроқ целлюлоза тайёрланади.

Хом ашё ва материаллар етарли бўлса, энг муҳими, бозор талаб этса, буюртмачилар сафи кенгайса шунча ҳажмдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш мумкин. Ҳозир эса кўпчилик маҳсулот енгил, кимё, озиқ-овқат ва машинасозлик каби саноат тармоқларидаги мижозларга етказиб берилмоқда.

Буюртмаларни вақтида ва сифатли бажариш жамоа фаолиятининг асосий шиори бўлиб қолди. Айниқса, ишнинг сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Бу соҳадаги ҳар бир камчилик, нуқсонни дарҳол бартараф этиш учун чоралар кўрилади. Марказий ишлаб чиқариш лабораторияси ва техника назорати бўлими ходимлари технологик режимга риоя қилиниши ва тайёрланаётган маҳсулот сифати устидан муттасил назорат олиб борадилар.

Самарали меҳнат жамоа даромади ва фойдаси мўмайгина бўлишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари кўламининг кенгайишига ёрдам бераяпти. Ҳозирги вақтда ҳиссадорлик жамиятида бир минг уч юз нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳар бирининг турмушини яхшилаш, ҳаёти фаровонлигини ошириш учун имкон қадар чоралар кўрилмоқда. Бутун бир уй-жой мажмуи барпо этилган. Унинг таркибида 14 та кўп қаватли уйлар, 320 ўринли болалар боғчаси, 400 ўринли ётоқхона, бир қанча савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан иборат комбинат, иссиқхоналар, молхона, озуқа цехи бор. 1994 йилдан 60 ўринли профилакторий-сиҳатхона ишлаб турипти. Ҳозирги вақтда дам олиш базаси барпо этилмоқда.

Мустақиллик туфайли, истиқлол яратиб берган имкониятлардан фойдаланиб, тараққиёт йўлидан шаҳдам одим ташлаётган жамоа бир неча йилдан бери барқарор ишламоқда. Топшириқларни доим тўла бажаришга эришмоқда. Энг муҳими, буюртмаларнинг вақтида бажариб, мижозларнинг ишончини қозонишга муваффақ бўлган ваъдага вафодорлар шу кунларда ҳам зўр куч-ғайрат билан ишламоқдалар.

— Мустақилликнинг олти йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Ўзбекистонимизда ишлаб чиқариш тобора тез суръатлар билан ривожланмоқда, — дейди ҳиссадорлик жамияти раҳбари Шевкет Меметович Осмонов. — Шундай экан, биз ҳам ундан орқада қолмаслигимиз, баробар қадам ташлашимиз керак. Буни ҳисобга олган ёш, аммо аҳил ва иноқ байналмилал жамоамиз шу кунларда ҳам замон талаблари асосида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, илғор техника ва технологиядан фойдаланишни кучайтириш, маҳсулотнинг янги-янги турларини тайёрлашни ўзлаштириш режаларини тузмоқда. Олдиндан режаланган ишнинг самараси, албатта, салмоқли бўлади. Буни амалиёт кўрсатиб турипти. Бу ишчи-хизматчиларимиз давлатимиз мустақиллигининг навбатдаги санасини муносиб кутиб олишларига ёрдам беради.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ.***

---

*Ғалла мустақиллиги учун*

# БИРИНЧИ «ҚАЛДИРҒОЧ»

Назарали Ниёзов номли жамоа хўжалиги ғалла режасини бажарибди, деган хушхабарни эшитгач, йўл-йўлакай табриклаб чиққани идорага кирдик. Олдидаги қоғозга нималарнидир ёзиб ўтирган қабулхона бекасини айтмаса, идорада ҳеч ким йўқ...

— Ваҳоб ака комбайнчиларга соврин топширгани иккинчи бригадага кетганлар, — деди котиба.

Ваҳоб Зуфаров шу хўжаликнинг раиси. У билан ўтган йилнинг октябрида туман ҳокими Йўлдош Тожибоевнинг ҳузурида баҳслашиб турганида танишгандим.

— Хўжалик бўйича 395 гектарга ғалла экамиз, деяптилар, — деб тушунтирганди ҳоким ўшанда ва сўнг раисга юзланиб гапида давом этганди. — Ахир салкам тўрт юз гектар оғирлик қилмасмикан?

— Қанча оғирчилиги бўлса чидаймиз, — Ваҳоб ака бироз қизишиб деди. — Ғаллани ўриб-йиғиб олгач, ўрнига картошка, сабзи, карам экиб, кечки экинларнинг ҳисобидан барча резаворларнинг ҳам ўрнини тўлдириб юборамиз...

Хуллас, раис гапини маъқуллатган ўша воқеага ҳам салкам тўққиз ой бўлибди.

...Раис иккинчи бригадада экан. Ўримни хўжаликда биринчи бўлиб тугаллаган ижарачи ғаллакорларга ваъда қилган соврин — қўй ва пул мукофотларини тантана билан топшираётган эди. Ғалладан бўшаган ва ҳайдаб қўйилган 11 гектарлик пайкал ёнида тумонат одам. Икки-уч ижарачининг етагида думбадор қўчқорлар, комбайнчиларнинг қўлларида пул. Ҳамма хурсанд.

— Ҳали булар хамир учидан патир, — деди раис. — Шартнома бўйича режадан ортиқча дон топширган ижарачилар ҳар гектар ҳисобига икки-уч центнердан дон ҳам оладилар.

Ҳоли қолгач Ваҳоб ака Зуфаров билан суҳбатлашдик.

— Хўжалик барча майдонларга «Қалдирғоч» навли уруғ эккан экан. Яхши ҳосил берибди.

— Келгуси йил учун шу кузнинг ўзида 400 гектардан ортиқ майдонни шу навга ажратамиз, — дейди раис ва сўнгра йилнинг ибратли ишлари ҳақида тўлқинланиб сўзлай кетди. — Ижара пудрати мўл ҳосил етиштиришда асосий омил бўлибди. Хўжалик бошқаруви 395 гектар майдонни 30 нафар ижарачига тақсимлаб, уларга техника ва ўғитдан қарашиб турипти. Ҳар гектар ердан 38 центнердан дон топшириш юзасидан шартнома тузган ғаллакорлар астойдил ишлашди. Мана, натижа — гектаридан кам деганда 40 центнердан хирмон кўтарилаяпти. Баҳодир Қосимов, Мадамин Ҳакимов, Абдукамол Шерматов каби ижарачилар ундан ҳам ошириб буғдой янчмоқдалар. Ҳали далаларда 2 та комбайн ғалла ўряпти.

— Яна камида 600 тонна ғалла янчиб оламиз, — дейди раис. — Бўшаган майдонларни пешма-пеш ҳайдаб, картошка, сабзи, мош экишга тайёрлаяпмиз.

Деҳқоннинг экин майдони ҳеч қачон бўш турмайди, ҳамиша нимадир кўкаради, деганлари шу-да.

# МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ



Туманда Абдулла Ортиқов номли, «Қовунчи» хўжаликлари ҳам ғалла топшириш режасини бажарганликлари тўғрисида хушхабар йўлладилар. Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалиги 590 гектар майдондан 1268 тонна, «Қовунчи» хўжалиги эса 438 гектар ердан 940 тонна сара дон етказиб берди. «Тинчлик», «Ниёзбош», Мирзабобоев номли, «Халқобод» хўжаликлари ҳам орадан кўп ўтмай уларнинг сафига қўшилдилар.

Хўш, бу ютуқларнинг таг замини нимада? Бу саволга «Қовунчи» жамоа хўжалигининг раиси Тожиҳон Ҳидоятова шундай деб жавоб берди.

— Асосий сабаб меҳнатни билиб ташкил этганимизда, 438 гектар майдонга ғалла экиб бўлиниши билан уни 49 нафар ижарачига имкониятларига қараб бўлиб бергандик. Улар билан шартнома туздик. Икки томон ҳам ана шу шартнома шартларига тўла амал қилди. Ғалла экини агротехника қоидаларига риоя қилиб парваришланди. Мавсум давомида экин беш марта сув ичди, минерал озуқалар билан тўйинди. Ўримга тушиш олдидан барча майдонлар бегона ўтлардан тозаланди. Ҳосилдорлик ҳаракатлар зое кетмаганлигини кўрсатяпти. Ҳасан Абдусаломов гектаридан 62,5 центнердан, бошқа ижарачилар ҳам шунга яқинлаштириб хирмон кўтардилар.

Мўл ҳосил етиштиришга замин бўлган сабаблар ҳақида Абдулла Ортиқов номли, «Ниёзбош», «Тинчлик» хўжаликларида ҳам сўзлаб беришди. Ҳамма меҳнат қиляпти, ҳамма мўл ҳосил етиштириш учун жон куйдирмоқда. Аммо энг ишончли омил янгийўлликларнинг ўзлари учун янги соҳа бўлган ғалла етиштиришни тўла ўзлаштириб олиб, бой тажриба тўплаганларида бўляпти. Ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилнинг юқори бўлганлигига мана шу омиллардан самарали фойдаланганлик асосий замин бўлди.

— Далаларда ҳали ҳам 36 та комбайн ишлаяпти, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Асат Исматов. — Давлатга дон топшириш давом этмоқда. Хўжаликлараро мусобақа авжида. Ҳоким ва бошқарма энг кўп ғалла тайёрлаган ва юқори ҳосил олишга эришган жамоа хўжалигига атаб катта соврин ажратган. Қани, бу соврин кимга насиб қиларкин?

***Рафиқ ТУРСУНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

***Суратларда: 1.«Қовунчи» жамоа хўжалиги раиси Тожихон Ҳидоятова. 2. Туман хўжаликларида «Кейс» комбайнларидан унумли фойдаланилди.***

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

---

## ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ САБОҚЛАРИ

# МУЛКДОР ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?

***РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҳозиргача қабул қилинган қонунларнинг бир гуруҳини мулк ҳақидаги қонунлар ташкил қилади. Мулк ҳақидаги қонунлар бевосита республикамизда мулкдорлар гуруҳини келтириб чиқариш ва уларнинг мулк ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган. Чунки, ҳар бир фуқаронинг мулкка нисбатан ҳуқуқий онгини қайта ўзгартириш, уларда мулкдор бўлишдек ҳиссиётни шакллантириш, бозор иқтисодиёти муносабатлари қўяётган давр талабига монанд қарор топтириш лозим.***

Конституциямизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хил-ма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши белгиланган. Иқтисодиётимизнинг асосини илгаригидек, устивор ҳуқуққа эга бўлган ягона давлат (умумхалқ) мулки эмас, балки тенг ҳуқуқий мавқега эга бўлган бир неча хилдаги мулклар ташкил этади.

Ана шундай мулк шаклларидан бири бу хусусий мулкдир. Унинг кўпайиб бориши республикамиз иқтисоди ривожини, халқ турмуш шароитининг фаровонлашувини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни (1991 йил 19 ноябрь) хусусий мулкнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Унга мувофиқ, давлат мулкининг бир қисми хусусийлаштирилиб борилди. Бунинг оқибатида мамлакатимизда нодавлат сектор ривожланиб, мулкдорлар гуруҳи пайдо бўла борди. Республикамиз Конституциясига мувофиқ қабул қилинган мулкчилик, ижара, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, деҳқон хўжалиги, монополистик фаолиятни чеклаш, биржа ва биржалар фаолияти, қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш сингари (1995 йил 21 декабрь) қонунлар хусусий мулкни муҳофаза этишни кафолатлаши билан эътиборга лойиқ бўлди. Айниқса, мулкдорлар гуруҳининг шаклланиши ва уларнинг мулк ҳуқуқининг кафолатланишида янгидан қабул қилиниб, 1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси бу борада муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида хусусий мулкка бағишланган алоҳида боб мавжуд. Унда белгиланишича, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин. Хусусий мулкнинг миқдори ва қиммати чекланмайди. Хусусий мулкнинг субъектлари бўлиб фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар ҳисобланадилар.

Мулкдорлар гуруҳининг шаклланишида хўжалик, акциядорлик жамиятлари, ширкатлар, тадбиркорликка доир қонунлар алоҳида ўрин тутади. Жумладан, ҳозирги кунда акциядорлик жамиятларининг янги-янги турлари, яъни очиқ турдаги ва ёпиқ турдаги шакллари ташкил бўляпти.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг акциялари фақат унинг таъсисчилари ўртасида тарқатилади. Очиқ турдаги акциядорлар жамиятларининг акциялари эса эркин равишда сотилади ва сотиб олинади. Ким акция сотиб олган бўлса, у шу акцияси миқдорида ўша жамият мулкига шерик бўлади. Жамиятнинг йиллик даромадидан ҳар йили ҳар бир акциянинг миқдорига қараб акциядорларга дивиденд ажратилади. Акция эгалари эса мулкдорлардир. Шу сабабли улар ўзлари ҳиссага эга бўлган жамиятнинг — корхона, ташкилот мулкининг тобора кўпайиб боришидан манфаатдор бўладилар.

Бозор иқтисодини шакллантиришда, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда бозор муносабатлари муҳимдир. Бозорда эркин савдо қилиш, товар ва маҳсулот айрибошлашни қонуний кафолатлайдиган қонун «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонундир. Бу қонуннинг аҳамияти шундаки, бозорни айрим гуруҳ мулкдорлар ўз монополиясига айлантириб, бошқа шахсларнинг бозорлардаги эркин фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилишини чеклаш ва таъқиқлашга қаратилган. Тўғрисини айтганда, ҳозирча бозорда олиб сотарлар мавжуд. Улар деҳқонга, товар ишлаб чиқарувчиларга тўсқинлик қилиб турибди. Олиб-сотар, чайқовчиларга қарши курашни кучайтириш, ҳақиқий мулкдорларга бозорда кенг имконият яратиб бериш лозим. Мулкдорлар гуруҳини қишлоқларда шакллантиришда ер тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги қонунлар ҳам муҳимдир. Шулардан «Ер тўғрисида»ги қонун ерларимиздан фойдаланишга, «Ижара тўғрисида»ги қонун ерларни ижарага олишга қаратилган муносабатларни қонуний тартибга солишга қаратилган бўлса, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун эса қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириб, ҳақиқий мулкдорлар синфини ташкил этишга қаратилгандир.

***Бобоқул ИБРАТОВ,***
***Тошкент Давлат юридик институти хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси мудири.***

---

*Тадбиркорлар мактаби*

# БИЗНЕСГА

## БИРИНЧИ ҚАДАМ

***Ўзини энди иш бошлаётган бизнесмен деб таништирган кишининг жаҳли чиқиб, кўзлари олайиб кетди. Стулда ўтиришга сабри чидамай, ўрнидан туриб кетар, у ёқдан бу ёққа юрар, оғзидан боди кириб, шоди чиқар эди. Тадбиркор ўз ишини рўйхатдан ўтказиш учун икки ҳафталаб кутиши шартми? Станцияга юк ортилган вагонлар келган, бугуноқ божхона назоратидан ўтказиш зарур. Булар эса... чинакам ривожланган мамлакатларда бир кунда фирмани очса бўлади, тегишли жойга зарур ҳужжатларни топширса бас...***

...Тадбиркор ўзини тута олмай, жаҳл билан айтган гапларни унинг виждонига ҳавола қилайлик, лекин, бизнингча, унинг жаҳл билан гапиришига унчалик асос йўқ. Бу жаҳлдор йигитнинг ўзига бир неча савол бериш лозим эди. Масалан, ҳали фирма тузилганича йўқ, унинг номига юк кела бошлаган, бу қанақаси? Балки ҳамма гап юкни божхона назоратидан осонроқ ўтказиб олиб, катта фойда қилишдадир.

Аслини олганда, хусусий тадбиркор бизнеснинг қайси соҳаси билан шуғулланишининг давлатга аҳамияти йўқ. У ўз пулини қандай тасарруф этиши билан давлатнинг иши йўқ. Энг муҳими — бизнесменнинг ўзи қонунни яхши билсин, қонун чегарасидан чиқмасин, илк қадамлариданоқ ҳалол иш тутсин, ҳар қандай маърифий мамлакатда ҳам «товламачилик» деб аталадиган ва тегишли юридик оқибатларга сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасин. Шу сабабли, бозор муносабатлари эндигина вужудга келаётган давлатимизда ҳаммага ҳам мақбул бўлавермайдиган қаттиқ назорат ва бошқариш чораларини қўлланишга мажбур бўлинмоқда.

Хўш, корхонани қандай рўйхатдан ўтказиш лозим? Қандай қилиб ортиқча сансалорлик ва харажатга йўл қўймай рўйхатдан ўтказиш мумкин? Бу саволларга кўп одамлар қизиқиши мумкинлигини ҳисобга олиб, иш бошлаётган тадбиркорларга ана шундай хизматларни кўрсатаётган консалтинг фирмаларидан бирининг раҳбаридан бу соҳадаги ўз билимлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик. Стелла Кицис — маълумоти бўйича ҳуқуқшунос, «Сталес» фирмаси директорининг ўринбосари, турли шакл ва йўналишдаги ўнлаб корхоналарни рўйхатдан ўтказишда ёрдам берган.

— Агар иш бошлаётган тадбиркор ўз корхонасини рўйхатдан ўтказиш билан мустақил шуғулланмоқчи бўлса — унга оқ йўл! — деди у. — Қўрқинчли жойи йўқ. Иш юришиб кетса, ўн кун ичида расмийлаштирса бўлади. Афсуски, амалда фирмани рўйхатдан ўтказиш учун анчагина вақт кетади. Чунки, бу ишга даҳлдор бўлган ташкилотлардаги одамлар ҳозирча сансалорликсиз ишлашни ўргангани йўқ: бир қарасангиз, ҳужжатни расмийлаштириш билан шуғулланадиган киши касал бўлиб қолади, гоҳ бошқа зарур иши чиқиб қолади... Хуллас, бўлажак тадбиркорларга сабр-тоқатли бўлишни, беҳуда асабийлашмасликни маслаҳат бераман. Қонунга мувофиқ, корхонангиз эртами-кечми, барибир рўйхатдан ўтказилади.

Қонундан чиқиб, масалан, кимларгадир пора бериб, ишни тезлаштиришга уринманг — менинг маслаҳатим шу. Ишонтириб айтаманки, бундай уринишлар фойда келтирмайди, аксинча, фақат пул жиҳатидан эмас, юридик, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам тадбиркорга жуда қимматга тушиши мумкин. Ишни алдашдан бошлаб бўлмайди, бизнесга илк қадам ҳалол бўлиши керак. Шундагина бу мураккаб ишда омадингиз келади.

Шу сабабли амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг талабларига оғишмай амал қилиш лозим, деб маслаҳат беради тажрибали тадбиркор. Нотариусга ҳам, солиқ инспекциясига ҳам, статистика бошқармасига ҳам боришга тўғри келади, албатта. Агар озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ корхона, масалан, ошхона очмоқчи бўлсангиз, техник инвентаризация бюросига, санитария ва ёнғиндан сақлаш инспекциясига бориш лозим бўлади. Нима бўлганида ҳам, ёнингизда истиқомат жойидан маълумотнома, тузилаётган фирмага юридик манзил беришга розилик билдирган ташкилотнинг кафолат хати бўлсин. Юридик манзилни ўз уйингизга расмийлаштириб бўлмайди — идора одамлар яшамайдиган хонада бўлиши лозим.

Вақтдан ютиш ва ҳужжатлар нотўғри тўлдирилгани учун ҳаракатдан тўхтаб қолишга йўл қўймаслик мақсадида мазкур ташкилотларнинг ҳар бирида тадбиркорлар эътиборига ҳавола этиладиган намуналарни диққат билан ўрганиш керак. Айрим ҳолларда биладиган кишиларга мурожаат қилиб, уларнинг хизмат ҳақини тўлаш мақсадга мувофиқ бўлади — бу ортиқча хатолардан ва ҳужжатларни қайта тўлдиришдан халос қилади. Ҳужжатлар асосан давлат тилида, яъни ўзбек тилида тўлдирилиши лозимлигини унутманг, деб маслаҳат беради фирма раҳбари.

Бошқа йўли ҳам бор, деди у. Бу йўл корхонани рўйхатдан ўтказиш ташвишларини ихтисослашган фирмага топширишдан иборат. Тадбиркор расмий келишувга мувофиқ маълум миқдорда пул тўлаб, бироз вақтдан сўнг зарур ҳужжатларни олиши мумкин. Унинг ўзи фақат истиқомат жойидан маълумотнома ва юридик манзил берилгани ҳақида кафолат хатини олиши керак. Бундан ташқари, ҳужжатлардаги зарур жойларга имзо чекади... Шундан сўнг иш бошлаётган кишига: табриклаймиз, жаноб тадбиркор, дейишимиз мумкин.

***Борий АЛИМОВ.***

***(ЎзА).***



# АСРИЙ ОРЗУ АМАЛГА ОШДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг ўтган шанба сонида Жанубий Хитой денгизи қаърида жойлашган, Буюк Британия тасарруфи остида бўлган Гонконг оролининг ўтмиши, ҳозири, ижтимоий-сиёсий мақоми ҳақида батафсил ҳикоя қилган эдик. Мақолада бу оролнинг шу йил 1 июлдан бошлаб Хитой Халқ Республикаси ҳудудига қўшилажаклиги айтилган эди. Шундай қилиб, ўтган душанбадан сешанбага ўтар кечаси, роппа-роса 00.00 соатда ана шу сиёсий воқеага доир, жаҳон аҳамиятига молик катта тадбир амалга оширилди. Бу тантаналарда иштирок этиш учун ер куррасининг 40 мамлакатидан 4000 нафардан зиёд юқори мартабали меҳмонлар келдилар. Бу тадбирни ёритиш учун 8 минг журналист тўпланди. Белгиланган сонияда карнай-сурнай овозлари янгради. ХХР раиси Цзян Цземин, бош вазир Ли Пэн нутқ сўзладилар. Кўргазмалар ўтказиладиган катта бино пештоқида ҳилпираётган Буюк Британия байроғи туширилди. Унинг ўрнида ХХР байроғи эса бошлади.

Бу дақиқалар Англия томони ҳамда Хитой томони учун ҳам осон кечмади. Буюк Британиянинг Гонконгдаги губернатори Крис Паттеннинг кўзларидан тирқираб ёш оқиб кетди. Маросимга келган валиаҳд Чарльз, бош вазир Т. Блэр, ташқи ишлар вазири Р. Куклар шу аснонинг гувоҳи бўлишликни ўзларига эп кўрмадилар ва тантаналарда қатнашмадилар.

Шундай қилиб, 156 йилдан сўнг бошқа давлат қарамоғида бўлган Гонконг ўзининг азалий «ота ери»га қўшилди. Эндиликда у Сянган деб аталади. Умумий майдони 1092 квадрат километр, аҳолиси 6,21 миллион киши бўлган бу ҳудуднинг истиқболи қандай бўлишини яқин келажак кўрсатади.

# ЖАНГЛАРДАН КЕЙИНГИ САЙЛОВЛАР

ШУ йил бошларида Оврупо қитъасининг энг камбағал мамлакатларидан бири бўлган Албанияда фуқаролар уруши авжига миниб, қонли тўқнашувлар бўлганлиги ҳаммага маълум. Бундан бир неча муддат илгари жаҳондаги қатор давлат раҳбарларининг аралашуви натижасида қон тўкишлар амаллаб тўхтатилган эди.

Ҳафта бошида, ниҳоят, бу мамлакатда парламентга умумхалқ сайловлари ўтказилди. Бунда 24 партия ўзларининг 1100 нафар номзодларини қўйдилар. Овоз беришда 2,2 миллион одам — аҳолининг 65 фоизи иштирок этди. Сайловларнинг боришини халқаро ташкилотларнинг вакиллари кузатиб турдилар.

Умумхалқ сайлови натижалари ҳаммани ғоят қизиқтирарди. Дастлабки маълумотларданоқ Албания Социалистик партияси вакилларининг қўли устун келганлиги маълум бўлди. Партия раҳнамоси Фатос Нано — «Бизнинг ғалаба қилганлигимиз, шубҳасиздир. Эндиликда парламентдаги 155 ўриннинг кўпчилигини биз эгаллаймиз» деди. Шу орада Демократик партия бошлиғи, ҳозирги президент Сали Береш сайловларнинг одилона ўтказилганлиги тўғрисида гумон билдирди. Лекин, у ўз партиясининг мағлубиятга учраганлиги аниқ бўлса, истеъфога чиқажаклигини ҳам айтди.

# СИР ЭНДИ ФОШ БЎЛМОҚДА

ҲА, ИККИНЧИ жаҳон уруши йилларида қандай синоатлар бўлмаган дейсиз. Фашист мутахассислари томонидан ўйлаб чиқарилган янги-янги қурол турлари минг-минглаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритган эди. Ана шундай «ажал уруғлари»дан бири — автоматик бошқариладиган «ФАУ—1» ва «ФАУ—2» ракеталари бўлган. Мана, энди, орадан деярли ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгач, мазкур қуролларнинг яратилиш сирлари ошкор бўла бошлади.

...Франциянинг поёнсиз шимолий пасттекисликларида жуда катта бўр «тоғчалар»и кўзга ташланади. Баайни ушбу жойларда фашистлар уруш йилларида «ФАУ» ракеталарини учирадиган маҳфий қароргоҳлар бунёд этганлар. Улар «Қубба» деб аталган. Аслаҳахоналар баҳайбат ғорларда жойлаштирилган. Ҳудуд 5 метр қалинликда бўлган бетон тўсгичлар билан ўраб қўйилган. Иншоотни немис муҳандислари бошчилигида 1200 нафардан зиёд совет аскарлари барпо этганлар.

Ракеталар узунлиги 14 метр бўлган. Соатига 5760 километр тезликда учган. Узоқлик масофаси 320 километрни ташкил этган. 1944 йилнинг 13 июнидан 1 сентябригача Лондон томон 22 мингта «ФАУ—1», 320 мингта «ФАУ—2» ракеталари учирилган. «ФАУ—2» биринчи марта 8 сентябрда Франция пойтахти — Париж устида портлаган. Сўнгра нишон сифатида Лондон, Бельгия бандаргоҳи — Антверпен танланган. Вайронагарчиликлар келтиришда, одам ўлдиришда ушбу ракеталар «ўта самарали» ҳисобланган. Масалан, 1944 йил декабрида Антверпен кинотеатрига тушган бир дона ракетадан, кўз очиб юмгунча, 561 киши ўлган. Ҳозирги хомаки ҳисобларга қараганда «ФАУ»лар дастидан 10 минг буюк британиялик, 6,5 минг бельгиялик фуқаролар қурбон бўлган.

Айни кунларда «Қубба» минтақасига кирган майдонлар улкан музейга айлантирилди. Бу «дўзах»ни ҳар куни жаҳоннинг турли бурчакларидан келган минглаб одамлар томоша қилмоқдалар ва «уруш» деган сўзга лаънатлар ўқимоқдалар.

# НАҲОТКИ ЖОСУС?!

ТУРКИЯДА ҳукумат инқирози рўй берди. Янги тайинланган бош вазир Месуд Йилмас янги ҳукумат таркибини тузиб, президент Сулаймон Демирэлга тақдим этишга тараддуд кўраётган пайтда катта жанжал бошланди. Туркия маҳфий хизмат вакиллари мамлакатнинг таниқли давлат арбоби, 1994 йилда Туркия тарихида биринчи марта аёллардан бош вазир, кейинги пайтларда ташқи ишлар вазири бўлган Тансу Чилер хонимни жосусликда айбладилар. Айни кунларда бу можаро тобора авжига чиқмоқда. Айбловчиларнинг гапларига қараганда, Т. Чилер 1974 йилдан буён чет эл разведка маҳкамаларига хизмат қилиб келган. У АҚШда таҳсил олган пайтда жосусликка ёлланган эмиш...

Тансу Чилер хоним ҳозирча бу даъво тўғрисида ломмим деб, оғиз очмаётир. Унинг тарафдорлари эса «кўз кўриб, қулоқ эшитмаган» бу туҳматни рад этишни талаб қилмоқдалар. Туркия бош прокурори миллий ҳавфсизлик судига барча даъволарни текшириш хусусида буйруқ берди.

# ОТИНГНИ СОТ, МОЛИНГНИ СОТ...

ЭСКИЛАРНИНГ отингни сот, молингни сот, амалдор фарзанди бўл, деган нақли Россия президенти Б.Н.Ельциннинг қизи — Татьяна Дьяченко шаънига айтилгандай туюлмоқда. Гап шундаки, куни кеча ота — давлат бошлиғи Б. Н. Ельцин Т. Дьяченкони яъни ўз қизини президент маслаҳатчиси этиб тайинлади. Бундан Татьяна жуда хурсанд бўлди. Уч йил мобайнида мен отамга қарашиб, маслаҳатлар бериб тураман, деди у. Россиянинг юқори доирадаги амалдорлари орасида бу тайинлаш таажжуб уйғотди.

*(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).*

---

## ДУШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бахтим, сени куйлайман». Фильм-концерт.
9.05 «Бир ўлка-ки...»
9.35 «Илм — ўзликни билмакдир...» Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.30 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». «Хўжайин ва хизматкор».
11.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
11.30 «Кўк қуш». Бадиий фильм.
13.10 «Ислоҳот ва масъулият».
13.30 «Мусиқий хазина». Насруллойи.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сеними, шошмай тур!». Мультфильмлар.
18.35 «Фан — тараққиёт негизи». Маърифий кўрсатув.
18.55 «Диёр». Тележурнал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Мумтоз наволар.
21.35 «Саҳна ҳаёти».
22.05 «Келин-куёв» Теле-шоу.
22.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Виждон». Телесериал. 7-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Эркин Воҳидов. «Дониш қишлоқ латифалари».
00.25—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сувости дунёси».
19.20 «Спорт қитъаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Отель «Башни Фолти». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик.
22.05 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.15 «Спорт қитъаси».
22.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.35 — 23.45 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

**17.20—20.30 Россия жамоат телевидениеси.**

*

20.30 «Кругозор». Тележурнал.

*

**21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.**

*

21.30 «Канизак Изаура». Телесериал (Бразилия).
22.30 Реклама.
22.35 «Крейзи». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Реклама.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Тасвир».
19.40 «Сўз-сизга».
19.50 «Жаҳон».
20.10 «Авторейд».
20.20 «Спорт-тайм».
20.50 «Ракурс».
21.20 «Дидар».
21.50 Реклама.
21.55 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.45—22.55 «Хайрли тун!»

## СЕШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мумтоз наволар».
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Убалик мўъжизакорлар».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Виждон». Телесериал. 7-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Оналар мактаби».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97» . Она тили.
11.00 Инглиз тили.

*

11.30 «Ғазалхон ёшлигим».
11.50 «Маърифат маскани». Жиззах вилоят касб-ҳунар лицейи фаолиятидан.
12.20 Болалар учун. «Оқ руҳ»...
12.45 ЎзТВ хазинасидан. Саид Аҳмад. «Келинлар қўзғолони». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли. 1-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.15 ЎзТВ хазинасидан. Саид Аҳмад. «Келинлар қўзғолони». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли. 2-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Навбаҳор» (Наманган). Марказий Ҳарбий Спорт Клуби стадионидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
19.15 «Ахборот» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Навбаҳор» (Наманган). Марказий Ҳарбий Спорт Клуби стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов номидаги I Республика ёш хонандалари кўрик-танлови ғолибларининг концерти.
22.00 «Вазият».
22.10 «Интеграл». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тўра Сулаймон. «Сайёралар нотинч». Адабий композиция.
00.20—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 Эълонлар.
19.15 «Ахборот» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Олтин кент».
19.50 Отель «Башни Фолти». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
22.55 «Авлодимиз».
23.10 «Акс».
23.30 «Спорт қитъаси».
24.00 — 00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

**6.30—8.00, 17.20—20.30 Россия жамоат телевидениеси.**

*

20.30 «Дам олиш вақти». Тўқимачилик комбинати ёшларнинг дам олиш фаолияти ҳақида.
20.50 «Тошкент». Манзарали фильм.

*

**21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.**

*

21.30 Реклама.
21.35 «Жиноятчи «Антуан». Бадиий фильм (Франция).
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Реклама.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Америкага назар».
20.55 «Янги иқтисод».
21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 Реклама.
22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.50—23.00 «Хайрли тун!»

## ЧОРШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов номидаги I Республика ёш хонандалари кўрик-танлови ғолибларининг концерти.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Туркистон — мусаввирлар макони».
9.35 «Дорбозлар». Қўқон шаҳридаги дорбозлар ва қўғирчоқ театрлари фестивали.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун «Қувноқ ёз — ўтмоқда соз».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.

*

11.35 «Машраб ёди». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.15 «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм.
13.30 Дутор мақомлари.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.25 «Бармоқлар сеҳри».
18.40 Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар: «Маслак ва мақсад».
19.00 Мумтоз наволар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ўзбекистоннинг иккинчи мўъжизаси: Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқ фестивали.
21.45 «Абадият қўшиғи». Публицистик кўрсатув.
22.10 «Шаҳар бедарвоза эмас».
22.40 «Виждон». Телесериал. 8-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши). (Ёзиб олинган).
00.40 — 00.45 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Отель «Башни Фолти». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.15 «Спорт қитъаси».
23.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.25—00.35 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

**6.30—8.00, 17.20—20.30 Россия жамоат телевидениеси.**

*

20.30 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

**21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.**

*

21.30 «Гулдонлар маликаси». Телефильм.
21.50 Реклама.
21.55 «Канизак Изаура». Телесериал.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Реклама.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Бизнен мирас».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Автосалтанат».
20.20 «Дунё ва болалар».
20.40 «Нафосат гулшани».
21.15 «Бу ажиб дунё».
21.35 «Азизим».
22.05 Реклама.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00—23.10 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НИ ЎҚИБ, ОЙНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ.

## ПАЙШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқ фестивали.
9.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Виждон». Телесериал. 8-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бир дунё болалармиз».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Физика.
11.00 «Ассалом, япон тили!»

*

11.40 «Малина виноси». Бадиий фильм.
13.05 «Шаҳар бедарвоза эмас».
13.35 «Комил инсон соғинчи». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
18.30 «Ранглар жилоси».
18.45 Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол—97» телефестивали.
19.05 «Йўллар ва манзиллар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ишингиз бароридан келсин!». Қимматли қоғозлар бозори.
21.55 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. Софокл. «Электра». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари». Ражаб Адашев.
00.15—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 «Болажонлар экрани».
11.10 «Табиат шифохонаси».
11.20 Дилором наволар.
11.35 «Глобус». Телеальманах.
12.00—13.40 Видео—»О».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Кўзмунчоқ».
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сир».
20.10 «Мутойиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иймон».
21.25 Мумтоз наволар. «Муножат».
21.50 Эълонлар.
22.00 «Кино жавонидан».
23.30 — 23.40 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

**6.30—8.00, 17.20—20.30 Россия жамоат телевидениеси.**

*

20.30 «Мусиқа ҳамма учун».

*

**21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.**

*

21.30 Реклама.
21.35 «Талаба». Бадиий фильм (Италия).
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Реклама.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «02 тўлқинида».
20.10 Реклама.
20.15 «Эльдорадо». Телесериал.
20.45 «Дунё ажойиботлари».
21.15 «Интер-спорт».
21.25 «Исроилга саёҳат».
21.40 «Компьютер-ревю».
21.55 «Каталог».
22.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.35 «Айчурек».
23.05—23.15 «Хайрли тун!»

## ЖУМА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Ёш эстрада хонандалари куйлайди.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Алишер Навоий».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳамкорлик риштлари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Умумий биология.
11.00 Немис тили.

*

11.30 «Талабалар саҳнасида».
12.00 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.20 «Вов лақабли мушукча». Мультфильм.
12.30 Софокл. «Электра». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.25 «Чегем ҳангомаси». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.30 «Куйла, ёшлигим».
19.00 «Қалб гавҳари». Адабий-маърифий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қиш ғамини ёзда енг». Муборак газни қайта ишлаш заводи.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.20 «Мақом кечаси».
21.50 Хива—2500. «Меҳр макони». 4-кўрсатув.
22.10 Теннис Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Япония.
22.40 «Виждон». Телесериал. 9-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нафосатга бахшида умр».
00.15 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Кўзмунчоқ».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Бир жуфт қўшиқ».
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Дубляж».
10.05 «Сир».
10.20 «Мутойиба».
10.35 «Иймон».
11.00 Мумтоз наволар. «Муножат».
11.25 — 12.55 «Кино жавонидан».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эртага — шанба».
18.25 Эълонлар.
18.30 «Бор экан-да, йўқ экан...».
18.45 «XXI аср авлодлари».
19.05 «Хуш келибсиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дил дафтари».
20.00 «Жарангдор соз».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Таниш ва номаълум».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 «7 дан 70 гача».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

**6.30—8.00, 17.20—21.30 Россия жамоат телевидениеси.**

*

21.30 Реклама.
21.35 «Канизак Изаура». Телесериал.

*

**22.05—22.35 Россия давлат телевидениеси.**

*

22.35 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
23.25—23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Реклама.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Уй остонадан бошланади».
20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.55 Реклама.
21.00 «Эльдорадо». Телесериал.
21.50 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
22.20 «Рангинкамон».
22.50 «Жума куни ишдан сўнг».
23.10 «Китоб растаси».
23.30—23.40 «Хайрли тун!»

## ШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мақом кечаси» (такрор.).
9.05 «Саёҳат». Мультфильм.
9.15 «Виждон». Телесериал. 9-серия.

**«Ёшлик» студияси намойиш этади:**

10.00 «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
10.25 «Мен билган, билмаган дунё».
10.45 Хабарнома.
10.50 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Бадиий фильм.
12.20 «Маънавият» видеоканали.
13.20 — 15.20 ЎзТВ хазинасидан. Саид Аҳмад. «Фармонбиби аразлади». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Фаррух ва Зумрад», «Эчкичанинг шохи ўсди». Мультфильмлар.
18.25 «Гулғунчалар».
18.40 «Ҳайрат». Адабий кўрсатув.
19.05 «Олтин мерос». Рақс, рақс, рақс.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти янгиликлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Каримбой Раҳмонов куйлайди.
22.00 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Япония.
22.30 А. Абдураззоқов. «Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар...». Видеофильм.

**«Тунги ёғду».**
**Дам олиш дастури:**

23.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
24.00 «Қоҳиранинг қирмизи атиргули». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.15 «XXI аср авлодлари».
9.35 «Хуш келибсиз».
9.55 «Дил дафтари».
10.00 «Жарангдор соз».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Таниш ва номаълум».
10.55 «Кинонигоҳ».
12.25 — 12.45 «7 дан 70 гача».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Боланинг тили».
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Қўшиқлар жилоси».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Ханда дўкони».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мафтункор чеҳралар».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Умрбоқий мерос».
22.25 «Интер-футбол».
22.45 Эълонлар.
22.55 Видео—»О».
00.30 — 00.40 «Даракчи».

III

17.45 Дастурнинг очилиши. Реклама.
17.50 Болалар учун фильм. «Азиз».

*

**18.55—22.20 Россия жамоат телевидениеси.**

*

22.20 Реклама.
22.25 «Янги қасоскорлар». Телесериал.
00.05—00.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мискар».

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Реклама.
9.25 Кинонинг олтин асри. «Қум конлари генераллари». Бадиий фильм.
10.55 «Шанба эртаги».
11.55 «Рақслар қанотида».
12.25 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.10—13.30 Корейс тилини ўрганамиз.

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Реклама.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Фариштам».
20.15 «Шанба оқшомида».
20.25 Реклама.
20.30 «Спектаклдан сўнг».
21.00 «Ассалом, Франция!»
21.20 «Манбалар».
21.40 «Эсдалик учун дастхат».
22.10 «Хит-коллекция».
22.30 «Бу ажиб дунё».
22.50—23.00 «Хайрли тун!»

## ЯКШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Соғломжон—полвонжон».
11.30 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.10 «Мусобақалар, очколар, ютуқлар».
12.25 А. Абдураззоқов. «Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар...». Видеофильм.
13.35 «Нурли келажак». Видеоканал.
14.35 — 16.05 «Юзсиз». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болаларга бахшида умр».
18.30 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
19.00 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Яман. Марказий «Пахтакор» стадионидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
19.45 «Панорама» (рус тилида).
20.05 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Яман. Марказий «Пахтакор» стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Япония.
22.05 Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев куйлайди.
22.35 Экранда — кинокомедия. «Бошпана излаб».
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ҳафтанома».
00.30 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Қўшиқлар жилоси».
9.40 «Қонун ҳимоясида».
9.50 «Ханда дўкони».
10.05 «Бизнес-академия».
10.20 «Дармон».
10.30 «Мафтункор чеҳралар».
10.50 «Даллас». Телесериал.
11.40 «Умрбоқий мерос».
11.55 «Интер-футбол».
12.15 — 13.50 Видео—»О».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Мультипанорама».
18.45 «Турфа олам».
19.05 «Туҳфа».
19.15 «Келгуси ҳафтада».
19.30 «Бир жуфт қўшиқ».
19.40 Эълонлар.
19.45 «Панорама» (рус тилида).
20.05 Эълонлар.
20.10 «Бу мунис лаҳзалар».
20.35 «Соғинч».
20.45 «Тақвим».
20.55 Эълонлар
21.00 «Ҳафтанома»
21.30 Эълонлар
21.35 «Даллас». Телесериал.
22.25 «Фақат футбол ҳақида».
22.55 Эълонлар.
23.00 Видео—»О».
00.35 — 00.45 «Даракчи».

III

16.25 Дастурнинг очилиши. Реклама.

*

**16.30—20.50 Россия жамоат телевидениеси.**

*

20.50 Реклама.
20.55 «Янги қасоскорлар». Телесериал.
22.35—23.00 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!»
9.30 «Парле ву франсэ».
10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.50 Реклама.
11.55 Киносалон. «Вахший». 1-қисм.
13.30 «Мусиқий олимп».
13.50 «Жағлар». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.25 «Жонли сайёра».
15.45 «Бугунги кун мавзуси».
16.00 «Сенинг вақтинг».
16.20 Кундузги сеанс. «Қутқариш командаси». Бадиий фильм.
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Реклама.
19.05 «Менинг кучам».
19.20 «Телеташриф».
19.40 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».
20.20 «Иштирок этувчилар».
20.50 «Жаҳон киносининг янгиликлари».
21.20 Реклама.
21.25 Киносалон. «Вахший». 2-қисм.
23.05 «Бу бошқа гап». 2-қисм.
23.30—23.40 «Хайрли тун!»

## САҲРОДА

Шайх Саъдий айтади:

— БОШИ, оёғи яланг бир камбағал киши Кўфа шаҳридан Ҳижоз карвони билан чиқиб бизга йўлдош бўлди. У кишида дунёликдан ҳеч бир нарса йўқлигини билдим, пиёда юриб, ўйнаб-ўйнаб кетарди. Туяга минган бир бой ҳалиги камбағалга:

— Эй қаландар, қаерга кетаётибсан, орқангга қайт. Бу саҳрода заҳмат ва машаққат чекиб ўлиб кетасан, — деди. Камбағал киши бойнинг сўзига эътибор бермай, ўз йўлида давом этди.

Нахлан Маҳмуд деган жойга етган эдик, бойнинг ажали етиб ўлди. Камбағал пиёда киши, бойнинг ёстиғи ёнига келиб айтди:

— Биз саҳрода заҳмат ва машаққатлар чекиб, пиёда йўл юриб ўлмадик, сен нортуя устида роҳатланиб йўл боссанг ҳам ўлдинг...

***НАЗМ: Ҳар кишининг бор эса яхши сўзи,***
***Орттирар обрўсин албатта ўзи!***

**ҲИКМАТ**: Ақлли одамнинг тили донолик калити, нодон кишининг тили ҳалокат калити!

## ФАЗИЛАТ

Бузургмехр Ҳаким айтади:

«Устозимдан, нималарга етсам ҳамма нарсага етишишим мумкин», — деб сўрадим. У айтди:

— Саломатликка, хотиржамликка! Яна сўрадим:

— Ишларимни кимга ишониб топширай?

— Ўз қадрини билган одамга!

— Ёшларга нима яхши-ю, қарияларга нима соз?

— Ёшларга ҳаё ва ботирлик, қарияларга мулойимлик!

— Улуғликка ким муносиб?

— Оқу-қорани таниган одам!

— Ўсишим учун кимлардан эҳтиёт бўлишим керак?

— Нокасдан, тилёғламачидан ва бойиган хасисдан!

— Ҳамма қидирадиган, аммо ҳаммага бирдек насиб қилавермайдиган нарса нима?

— Тўрт нарса: тандурустлик, ростлик, шодлик ва холис дўст!

— Қандай нарса мурувватни бузади?

— Улуғ кишилар мурувватини бахиллик, донишмадлар мурувватини манманлик, хотинлар мурувватини беҳаёлик!

## МИТТИ ЁҚУТЧАЛАР

— Ғийбат ва қийинчиликка қолмаслик учун қайси феълларга эга бўлай?

— Туҳматдан узоқ бўл, камозор бўл, ҳамиша одобли бўл!

***НАЗМ: Адаб бозорига кирсанг баякбор,***
***Энг яхши хулқ учун бўлғил харидор.***
***Адаб бўлса сенинг аввал сўроғинг,***
***Тамомий илм ила тўлғай қулоғинг!***

**ҲИКМАТ**: Энг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади, у бир қўли билангина эмас, икки қўли билан яхшилик қилади!

## ВАФО

Донишмандлардан бири айтади:

— Алломаларнинг асарларида: «Чаёнларнинг туғилиши бошқа ҳайвонларнинг туғилишларига ўхшамайди. Чаён боласи она қорнидаги нарсаларни тамом ейди, кейин она қорнини йиртиб, ташқарига чиқади. Чаён уясидаги қуриган пўстлар шунинг асаридир», деб ёзилган.

Бу сўзларни бир улуғ зот ҳузурида айтгандим, улар дедилар:

— Менинг кўнглим бу сўзларнинг тўғрилигига гувоҳлик беради. Ёшликларида ота-оналарини чаён болалари каби ҳурмат қилмаган болалар катта бўлганларида халқнинг нафратига дучор бўладилар.

***НАЗМ: Бир ўғилга васият этди ота:***
***«Эй жавонмард, ёд ол, бу панд,***
***Кимки ўз аҳлига вафо қилмас,***
***Бўлмагай бахтиёру давлатманд!»***

**ҲИКМАТ**: Одам ўз элига яхшилик қилиш билан уларнинг улуғига айланади!

## ФАРЗАНД

Мутафаккирлардан бири айтади:

— Онанинг жонпарвар бўйи яъни қадди-қомати бир дарахт бўлса, фарзанд у дарахтнинг нозанин меваси ва натижасидир. Онанинг кўкси томирлари юрак ичида эмасми? Ҳақиқат кўзи билан қарасак, она сути — унинг юрак қонидир. Шунинг учун фарзандга онанинг меҳр-муҳаббати отага қараганда яна ҳам кўпроқ бўлади. Баъзи фарзандлар ҳаммадан ҳам азиз ва меҳрибон онанинг қадр-қимматини билмайдилар.

Айтишларича, бир ёш йигит онасининг гапига қулоқ солмади, бақириб-чақириб унинг дилига озор берди. Меҳрибон она ўғлининг қилиғидан кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди. Дарҳол ўғли чақалоқлик вақтида ётган бешикни кўз олдига қўйиб айтди:

— Эй ёшлик, чақалоқлик пайтларини унутган ноинсоф! Мана бу бешикни кўрдингми? Чақалоқлигингда сени шу бешикка белаб, кечалари тонг отгунча ухламай тебратардим, ҳадеб йиғлай берсанг бешикдан ечиб олиб, бағримга босиб овутардим. Жуда кўп кулфат, машаққатлар чекиб сени тарбияладим. Сени деб, куч-қувватдан ажралдим. Сени деб, ҳамма қийинчиликларга бардош бердим. Мана энди катта бўлиб, куч-қувватга эга бўлдинг, лекин ёшлик ва чақалоқлик даврларингни унутиб, меҳрибон онангга итоат қилмайсан, унинг кўнглини вайрон қилиб, кўз ёшларини тўктирасан. Ундай қилма, ўғлим, она муҳаббати нақадар зўр ва чексиз эканини унутма. Мен ҳам, отанг ҳам доимо бахтли, саодатли бўлишингни истаймиз. Бизни хафа қилма, дилимизни оғритма, айтганларимизни қабул қилиб, бизни рози қил, дуомизни ол! Онасини йиғлаб айтган сўзлари йигитнинг кўнглига ўқдек санчилди, қилган қилмишларига пушаймон бўлди. Онасини қучоқлаб юз-кўзидан ўпиб, йиғлаб узр сўради. Она эмасми, ўғлининг гуноҳини кечириб, унинг юз-кўзларидан ўпиб, ҳақига дуо қилди!

***НАЗМ: Жон қулоғинг бирла тингла, моҳи тобондир онанг,***
***Бахт-иқболинг самосида дурафшондир онанг!***

**ҲИКМАТ**: Ота-онангга қандай муомала қилган бўлсанг, фарзандларингдан ҳам ўша муомалани кут!

## ДАШНОМ

Бир донишманд айтади:

— узоқ умр кўриб қадди-қомати ёйдек букилган бир киши хассасига таяниб борарди. Бир ёш йигит чолни масхара қилгандек бўлиб айтди:

— Бобожон, бу ёйни қаердан ва неча пулга олдингиз, мен ҳам шундай ёйни сотиб олмоқчиман, — деди.

Чол бобо кулиб:

— Оппоқ ўғлим, ҳали ёшсан, бундай ёйни сенга сотмайдилар, сабр қил, умринг узун бўлиб, менинг ёшимга кирган вақтингда сенга текинга келтириб берадилар...

***НАЗМ: Сўзни яхши билмайин қилма баён,***
***Ки, қилур сўз барча айбингни аён!***

**ҲИКМАТ**: Гўзал тадбир ишлатиб, душманни дўст этиш, нодон ва жоҳил одамни таълим ва тарбия қилиб, донолар даврасига, бадахлоқ фосиқларни панд, насиҳат билан ислоҳ этиб, яхшилар қаторига қўшиш энг афзал амаллардан саналади!

**САБОҚ**: Эй азиз инсон! Билгилки, икки нарса яъни шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат — ботирлик, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу хислатларга эга бўлган киши бахт-саодатга эришади!

***АЛҚИССА: Ким шижоат ҳам матонат йўлига қўйса қадам,***
***Ишлари топгай ривожу, эл қошида муҳтарам!***

***Баҳодир ВАЛИЕВ***
***тайёрлади.***

---

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

## ҒАЛАБА... АММО МУХЛИСЛАРГА БУНАҚА ЎЙИН КЕРАКМАС

**ЧИЛЛА эмасми, кун исиганданисияпти. Албатта, бундай кезларда футболчилардан юқори суратда ўйин талаб қилиш инсофдан эмас. Бироқ ўта суст, «жонини аямай» деярли бир жойда депсиниб туриш ҳам олий табақа ўйинчилари учун кечириб бўлмас ҳолатдир.**

БИРИНЧИ бўлимда икки бор Жаъфар Ирисметов қулай имкониятдан фойдаланаолмаганлигини ҳисобламаса мезбонлар бирорта эсда қоладиган ҳужум уюштираолмадилар. Мухлисларнинг тоқати тоқ бўлгач у ер, бу ердан «ўйнайсанларми?» , «жонларинг борми?» деган луқмалари қулоққа чалиниб турди.

Иккинчи бўлимда Георгий Ким ва Фарид Хабибулинларнинг ўрнига Анатолий Матвеев ва Шерзод Шеримовлар майдонга тушгач, мезбонларнинг ҳужуми бироз кучайган кўринди. 50 дақиқада Ж. Ирисметов узатиб берган тўпни ҳимоячи Егор Гладков кучли зарб билан дарвоза бурчагига йўллади. Киритилган тўпдан кейин мухлислар ўйинда сурат ўзгаради деб ўйлаган эдилар. Аксинча мезбонлар хотиржамликка берилдилар, меҳмонлар эса фаоллашдилар. Бироқ кўп ўтмай яна сурат пасайди. Ўйин охирлаб борарди. 1:0 ҳисоби ҳам хатарли. 83 дақиқада меҳмонлар ҳужумчиси Захриддин Акбаров тўп киритди. Ҳисоб 1:1, Асабийлашган «Дўстлик» жамоаси бош мураббийси М. Раҳимов майдон четида туриб шогирдларига тинимсиз кўрсатмалар берар, вақт эса охирлаб борарди. Учрашув тугашига бир неча дақиқа қолганда меҳмонлар ўз жарима майдонларида хатога йўл қўйдилар ва ҳакам Рустам Саидов 11 метрлик жарима белгилади. Ана шунда яна бир камчилик кўзга ташланди. Жарима тўпини ким тепади? Тўғри вазият ниҳоятда қалтис, масъулият юки эса ундан ҳам оғир. Ниҳоят бош мураббий қароридан кейин бу вазифани Владимир Гальянов амалга оширди. Шу ўринда бир савол туғилади. Жамоада 11-метрлик жарима тўпларини тепадиган «ихтисослаш»ган муқим ўйинчи борми? Бу жумбоқни ҳам ечмоқ даркор. Ҳисоб 2:1 бўлганда бой берилган ғалаба қайтарилгандай бўлди. Вақт тугади. Лекин бу борада ихтиёр ҳакамда! У 2-3 ёхуд ундан ортиқ дақиқа вақт қўшиши мумкин. Жаъфар Ирисметов ҳакамнинг учрашув тугаши ҳақидаги хуштаги янграгунча учинчи тўпни киритиб улгурди.

*«Дўстлик»нинг ишончли дарвозабони Герман Безденежних.*

«Дўстлик» — «Косонсой»ни 3:1 ҳисобида енгиб навбатдаги ғалабани қўлга киритди. Бироқ ўйингоҳга келган уч мингга яқин мухлис футболчиларимизнинг ўйинидан хурсанд бўлиб қайтишмади.

Ўтган куни яна тўртта ўйин бўлди. Буларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Чилонзор» — «Бухоро» — 1:2, «Насаф» — «Хоразм» — 4:3, «Зарафшон» — «Атласчи» — 2:0, «Андижон» — «Сўғдиёна» — 2:3. Кеча XIV турнинг қолган учрашувлари бўлиб ўтди.

***Шарофиддин УМИРОВ.***

## «НАДЕЖДА»ГА БРОНЗА

Олмаликда гандбол бўйича хотин-қизлар командалари ўртасидаги анъанавий халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон спортчи қизлари иштирок этди. Республикамиз спорт шаънини икки команда — Тошкентнинг «Авиаглобал-Жасур» ва Олмалиқнинг «Надежда» командалари ҳимоя қилди.

Бош соврин учун кураш жуда қизғин тус олди. Бу мусобақанинг ўтган йилги ғолиблари — «Надежда» гандболчилари кўпгина асосий ўйинчилар йўқлиги сабабли бош совринга даъвогар бўлолмаслиги аниқ бўлиб қолди. «Надежда» бронза мукофот билан кифояланди.

Ашгабатнинг «Кўпетдоғ» командаси мусобақада ғолиб чиқди. Алматининг «Отан» командаси иккинчи ўринни эгаллади.

***(ЎзА).***

---

*Об-ҳаво*

## ШАМОЛ ЭНДИ ШАРҚДАН ЭСАДИ

Об-ҳавошуносларнинг хабарига кўра, 6-9 июль кунлари шарқ томондан сониясига 5-8 метр тезлик билан кучсиз шамол эсади. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечалари 21-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлиши кутилади.

---

## КАСАЛНИ ЭҲТИЁТКОРЛИК ҚАЙТАРАДИ

*Шифокор маслаҳат беради*

Ўткир юқумли ошқозон, ичак касалликлари ички аъзоларни жароҳатлайди. Тўсатдан қорин оғрийди, сўнгра умумий ҳасталик келиб чиқади.

Касалликни майда, кўзга кўринмас микроблар қўзғайди. Улар ҳаракатчан ва ташқи муҳитга чидамли бўлади.

Вабо касаллиги билан фақат инсон касалланади. Бундай ҳаста атрофдагиларга ўта хавфли ҳисобланади. Зеро, бемор ўз танасидан микробларни кўплаб чиқаради.

Юқорида айтганимиздек, ушбу микроб киши баданига ташқи муҳитдан, яъни ифлос сувларни ичганда, овқатларни истеъмол қилганда, чўмилганда, идиш-товоқларни, қўлларни яроқсиз сувларда ювганда ўтиши мумкин.

Ошқозон-ичак касаллиги ҳар хил клиник шаклларда ўтади. Энг оғир шакли тўсатдан бошланади. Енгил ич кетади. Сўнгра қайт қилиш кузатилади.

Томир тортиши ҳолатлари учрайди, овоз секинлашади, бўғилади. Юрак фаолияти сусаяди, онг хиралашади, нафас олиши қийинлашади. Касаллик бир кеча-кундуздан беш кеча-кундузгача чўзилиши мумкин.

Республикамизда, жумладан, вилоятимизда халқ соғлиғини сақлаш борасида кўплаб ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин, шунга қарамай, бугунги кунда кўпчилик жойларда аҳоли сифатли ичимлик сувлари билан таъминланмаган, айрим овқатланиш, савдо-сотиқ ва болалар муассасаларида ҳали ҳам санитария қоидаларига риоя қилинмаётир.

Бундан ташқари оқар сувларга ва сув ҳавзаларига аҳоли, айрим хўжаликлар ва муассасалар томонидан ҳар хил чиқиндилар ташлаш ҳоллари кўплаб учраб турипти. Бу турли юқумли ошқозон-ичак касалликларини (ичбуруғ, қорин тифи, салмониллез, сариқ ва ҳоказо) келтириб чиқармоқда.

Юқумли касалликлардан сақланиш учун қуйидагиларга риоя қилиш керак:

— тоза ичимлик водопровод сувидан фойдаланиш, бундай сув бўлмаганда уни фақат қайнатиб ичиш лозим;

— санитария-эпидемиология бўлимлари томонидан ман қилинган очиқ сув ҳавзаларида, кўллар ва дарёларда асло чўмилмаслик, бундай сувларни ичмаслик, хўжалик зарурати учун ишлатмаслик керак;

— оқар ва бошқа очиқ сувларга аҳоли ва корхоналар томонидан ҳар хил чиқиндиларни асло ташламаслик талаб этилади.

Овқатланиш, савдо-сотиқ, болалар муассасаларида тозаликка қатъий риоя қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бундай корхоналарда ишлайдиганлар ўз вақтида даволаш муассасалари ва лабораториялар томонидан алоҳида кўрикдан ўтказилишлари шарт.

Юқумли касалликка чалиниш гумон қилинганда «тез ёрдам» чақириш ва беморни алоҳида, олдиндан мўлжалланган шифохонага ёткизиш талаб этилади. Бунда касалликнинг тарқалмаслиги учун барча чораларни кўрмоқ лозим.

***Тўра ЗУФАРОВ,***
***вилоят санэпидстанцияси ўта хавфли касалликларга қарши кураш бўлими мудири.***

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЯНГИЙЎЛ ТЕХНОЛОГИК КОЛЛЕЖИ

1997-1998 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Янгийўл технологик коллежи икки босқичда мутахассислар тайёрлайди — I босқичда ўқийдиганлар коллеж дастури асосида ўқиб «ТЕХНИК-ТЕХНОЛОГ» ихтисослигини эгаллайди. II босқичда ўқишни давом эттирадиганлар учун ўқув муддати 1 йилу 1 ойга узайтирилиб, Олий ўқув юрти дастури асосида билим оладилар. Бу босқичда битирувчилар «КИЧИК МУҲАНДИС» мутахассислигини эгаллаб, муҳандислик лавозимида ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

ЯНГИЙЎЛ ТЕХНОЛОГИК КОЛЛЕЖИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМИГА:

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, НАЗОРАТ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ (9 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой.
МОЛИЯ (Давлат бюджети). 9 йиллик маълумот билан.
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати 3 йил.
БИОХИМИЯ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ (9 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар рус тилида олиб борилади.
ЁҒ ВА ЁҒ ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ (11 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати — 2 йилу, 6 ой.
НОН, МАКАРОН ВА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ (11 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.
ВИНО ТЕХНОЛОГИЯСИ (11 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.
ҲУҚУҚШУНОСЛИК (11 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати 2 йил.

СИРТҚИ БЎЛИМИГА:
(11 йиллик маълумот билан).
ЁҒ ВА ЁҒ ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.
ВИНО ТЕХНОЛОГИЯСИ.
ҲУҚУҚШУНОСЛИК.

Кириш тўғрисидаги ариза коллеж директори номига танланган ихтисосини кўрсатган ҳолда ёзилади.

АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҚЎШИБ ТОПШИРИЛАДИ: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), 086 шакл бўйича соғлиғи ҳақида маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4 ҳажмда), бош кийимсиз. Абитуриент коллежга келганда туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, паспорти, ҳарбий билети ёки ҳисобида турганлик гувоҳномасини шахсан кўрсатадилар.

Сиртқи бўлимга кирувчилар меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки ишлаётгани ҳақида маълумотномани топширишлари керак.

КОЛЛЕЖГА КИРУВЧИЛАРДАН ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
КУНДУЗГИ БЎЛИМИГА:
11 синф ҳажмида — 25 ИЮЛГАЧА.
9 синф ҳажмида маълумотлилардан — 31 ИЮЛГАЧА.
СИРТҚИ БЎЛИМГА:
25 ИЮЛГАЧА.
КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:
9 синф ҳажмида ҳужжат топширганлар учун — 1 АВГУСТДАН.
Тест синовидан ўтиш — 11 АВГУСТГАЧА.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

9 синф маълумоти билан: Математика (оғзаки), ўзбек (рус) тилида, диктант.
11 синф маълумоти билан кундузги ва сиртқи бўлимга кирувчилар учун:
ТЕХНОЛОГИК МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА: химия, ўзбек тили ва адабиётидан.
ҲУҚУҚШУНОСЛИК МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА: тарих, ўзбек тили ва адабиётидан тест синовлари ўтказилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри.
Самарқанд кўчаси, 403-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: 26-184; 26-219; 26-212.

---

ХАР ТУҒРИДА

## НЕССИ ОКЕАНДАН КЕЛИБ ҚОЛДИМИ?

Канаданинг Британия Колумбияси вилоятида яшайдиган аҳоли кейинги ойларда маҳаллий газета ва журналларни Тинч океани қирғоқларида янги махлуқлар пайдо бўлганлиги тўғрисидаги хабарлар билан «кўмиб» юбордилар.

Ёши ва касб-коридан қатъий назар уларнинг гаплари бир жойдан чиқаётган эди.

Номаълум махлуқ тўқ яшил рангли жун билан қопланган узун бўйинли, боши юмалоқ, учта кўзи бор. У балиқ билан овқатланади. Тез-тез тўрларни йиртиб, балиқларни ўғирлайди. Овчилар уни милтиқ билан отиб ҳам кўришган, аммо фойдаси бўлмаган. «Франс суар» газетасида таъкидланишича, ушбу махлуқ қадимги дунёда яшаган балиқ ва калтакесаксимон плезиозаврга ўхшаб кетади.

---

*Суд залидан*

## ТОҒА-ЖИЯН ЗЎР ЧИҚДИ

Ярим тун. Авангард қишлоғидаги 36-автомобилларга ёқилғи қуйиш шоҳобчасига номаълум икки ниқобланган киши бостириб кирди. Оператор Ғанижон Қамбаров билан унинг жияни Илҳомжон Қамбаровлар шошиб қолмадилар. Олишув бошланди. Босқинчилар пичоқ билан Ғанижонга ташланиб, унга тан жароҳати етказдилар. Илҳомжон ҳам шикастланди. Аммо, тоға-жиян босқинчилар билан мардларча олишишди. Қандай бўлмасин, уларни ушлаб қолишга ҳаракат қилишди. Ғанижон бир босқинчининг юзидаги ниқобни йиртди. Иккинчи босқинчи Виктор Мавлонов саросимага тушиб, ниқобни ва пичоқни ариққа ташлаб, қочиб қолди. Ислом Шингизбоев эса қочиб қутулолмади.

Ёрдамга етиб келган участка милиция вакили Абдуазим Шақаев, ровалоқлик Исматилла Қаюмов, Авангард қишлоғида яшовчи Бобур Саидқосимов, Бахтиёр Мамедов, Тоир Давидовлар тунги босқинчини милицияга, тоға-жиянни эса зудлик билан касалхонага жўнатдилар.

Ушбу жиноят ўрганилганда, у ичкилик туфайли содир бўлганлиги аниқланди. Жиноятчилар Ислом Шингизбоев ва Виктор Мавлоновлар ҳамтовоқлари Д. Гвоздьев ҳамда В. Кремерлар билан «отамлашиб», пировардида пуллари қолмай, босқинчилик билан кайф-сафони давом эттиришга ҳаракат қилмоқчи бўлганликларини тан олишди.

Жиноятчиларга тунги босқинчилик қимматга тушди. Ҳар иккиси 12 йилдан озодликдан маҳрум этилдилар.

***Ҳикматилла НАЗАРМЕТОВ,***
***Ўртачирчиқ тумани прокурори.***
***Усмонали ҲАМИДОВ,***
***журналист.***

---

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги Ҳ. Олимжон номли 36-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Айтенов Олимжонга берилган 010034 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги туфайли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «Катталар таълим маркази» томонидан 1997 йилда Холматов Маҳмуд Тўлагановичга берилган 011046 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги туфайли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Бўка туманидаги 28-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Пўлат Сайдуллаевич Камоловга берилган «А» серияли 457933 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНДИ.**

---

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0436. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 9.601 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6